



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 8 декабр, жума № 48 (431)

Сотувда нархи эркин



8 ДЕКАБР - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

КОНСТИТУЦИЯ ОДИЛ СУДЛОВ ГАРОВИ

Бундан саккиз йил олдин қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки демократик қадам бўлди. Унинг замирида Конституциявий суд, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти жорий қилинди. Конституция қоидаларини ўзида мужассам қилган Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни Одил судловни амалга оширишда асосий қўлланмадир. Бунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланади, дейилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган асосий қонундир. Республика Олий Судида бир гуруҳ уюш-

ган кўпоровчилар устидан кечган суд жараёнида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилинди. Суд ҳар бир судланувчига ўз айби даражасида жазо тайинлади. Шу билан бирга Олий суд инсонпарварлик мезони асосида иш юритиб, давлат айбловчиси талаб қилган ўн судланувчига эмас, балки икки судланувчигагина Олий жазо — ўлимни раво кўрди.

Шуни таъкидлаш керакки, Конституциянинг 116-моддасида белгиланганидек, судланувчилар ҳимояланмиш ҳуқуқи билан таъминландилар. Тергов ва суд жараёнида керакли юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан фойдаландилар. Ўз айбларини тан олиб, қилган ишларига пушаймонликларини изҳор этдилар. Бу юртимиз Конституциясида ҳеч кимга алоҳида имтиёз яратилмаганлиги ёки қонунни ҳеч ким четлаб ўтолмаслигининг ишончли далилидир.

Оддий фуқаро сифатида Конституциямизнинг барқарор, умрбоқий қонун бўлиб қолишини тилардим.

М. ТУРҒУНОВ,
«Адолат кучи»
адвокатлик фирмаси бош
директори ўринбосари

Айрим жойларда обуна жараёни жуда суст кетаётганлиги, муштариёлар уртасида керакли тушунтириш, тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаётгани, алоқа корхоналарининг баъзи раҳбарлари бу муҳим маънавий-маърифий тадбирга масъулиятсизлик билан қараётганлиги қайд қилинди. Бу борадаги ишларни жонлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Йигилишда «Хабар» газетаси ҳақида фикр-мулоҳазалар, таклиф-истақлар ҳам билдирилди. Жумладан, «Андижон Телеком» акциядорлик жамияти Бош директори А. Қодиров газетанинг янада қизиқарли бўлиши лозимлигини

«қизиқарли» нашрларга ўч бўлишди) «қизиқарли» деб ҳисоблайдиган бўлсак, бундай тушунчани бизнинг газетага татбиқ этиб бўлмайди. Нега?

Аввало, газетамизнинг мавзуси чекланган. Биз асосан алоқа соҳасини ёритамиз, тармоқдаги янгиликлар, муаммолар қўпичча хабар-ахборот тарзида (газета ҳажмини ҳисобга олганда) ақс эттирилади. Шу боис, газетамизда аввало «қизиқарли» нарсалар эмас, тармоқ учун керакли, зарур, муҳим нарсалар чоп этилади. Тўғри, газетамизда яхши маънода қизиқарли нарсаларга ҳам урин берилмоқда. «Хабар»нинг охириги саҳифасида асосан маънавий-маъ-

тур хизмат юзасидан ҳам зарурдир.

Мавриди келганда газетанинг янада «қизиқарли», аниқроғи маъмули, ранг-баранг бўлишига дахлдор яна бир масалага тўхталмоқчиман. Маълумки, вилоятларда «Хабар» газетасининг жамоатчи мухбирлари бор. Афсуски, айрим жойларда (Мисол учун Навоий вилоятида) мухбирлар ҳали ҳамон тайинланмаган. Қорақалпоғистон, Жиззах, Хоразм вилоятларидаги мухбирлар эса деярли ишламайди. Раҳбариятнинг фармоишига қўра мухбирларнинг хизматлари учун қўшимча иш ҳақи ҳам белгиланган. Афсуски, жойлардаги аксарият мух-

ГАЗЕТА ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛИШИ КЕРАКМИ ЁКИ...

Ўтган шанба кuni Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари Ш. ОБИДУЖАЕВ алоқа корхоналари раҳбарлари билан селектор орқали мажлис ўтказди. Мажлисида 2001 йил учун «буюртмалар портфели»нинг шаклланиши, «Самарқанд Телеком» шўъба корхонасининг волейбол қомандаси ҳамда «Хабар» газетасига обуна бўлиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидласа, «Қорақалпоғистон Телеком» акциядорлик жамияти Бош директори У. Таженов газетани теледастури чоп этиш шарт эмас деб ҳисоблайди.

Газета Бош муҳаррири сифатида юқоридаги масалаларга муносабат (мажлисда ҳам имкон қадар шу ҳақда гапирдим) билдиришга бурчлиман.

Хўш, Абдурашид Ҳамидович тилга олган «қизиқарли» сузени қандай тушуниш ва қандай талқин этиш лозим? Агар «қизиқарли» деганда газетанинг мазмун-мундарижаси, умумий савияси назарда тутилса, бундай фикрга қўшилмоқ лозим, мабодо ҳар хил олди-қочди, паст-баланд гапларни (булар юзани караганда ростдан ҳам қизиқарли туюлади ва афсуски, маълум тоифа муштариёлар шу каби

рифи, диний ҳамда бадий, ҳажвий нарсалар босилади. Гоҳо раҳбарларимиз газетанинг бу саҳифасини ҳам тўлиғича алоқа соҳасига бағишлаб қўя қолиш керак дейишди. Бу фикрга ҳам қўшилмай қўйин. Тасаввур қилинг, ҳондонда «Хабар»гагина ёзилган алоқачи саккиз соат ишлаб келган дунг фақат алоқа соҳасининг янада янгиликлар қўлига олса, ўзида маънавий қониқиш ҳосил қилармикин? Дарове, шундай муштариёлар учун теледастури чоп этиш ҳам зарур. Негаки, у бошқа газеталарга обуна бўлолмаган. Унга қўриб етмаган. Қолаверса, телетасвирларни эфирга узатиш бизнинг агентлигимиз тасарруфидоги корхоналар зиммасига юклатилган ва бу корхоналарда ишлаётган мутахассисларга «Хабар»даги теледа-

бирларнинг ишдан қаноат ҳосил қилиб бўлмайди. Анча-мунча ҳолият қўрсатаётганлари ҳам ўз раҳбарларининг қўш-қовоғига қараб ўтиришди, танқидий мавзуга қўл уришга журъат қилишолмайди. Ёзган нарсасини ҳам қўпичча ҳужайинга «тектиририб» олишга мажбур. Бу масалада ҳам маълум бир тўхтамага келиш фурсати етди, дегим.

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас деган нақл бор. Агар алоқа корхоналари ва муштариёлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни яхши йўлга қўя олсак, ҳар биримиз ўз хизмат вазифамизга масъулият билан ёндошсак, умид қиламанки келаси йили ҳам кўп миңг сонли газетхоларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Шодмон ОТАБЕК



ЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.
«ХАВАР» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кuni хондонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилми!

ЯНГИАРИҚДА ОБУНА ҚИЗҒИН

Инсоният охирида бораётган аср билан хайрлашар экан, бошланган XXI асрда жаҳоннинг турли бурчагида содир бўлаётган узғаришлардан хабардор бўлиши ва ўзини қизиқтириватган саволларга жавоб излаши табиий. Ушбу эҳтиёжни оммавий ахборот воситалари қаноатлантиришига шубҳа йўқ.

«Хоразм почтаси» АЖ Янгиариқ филиали жамоаси ҳар йилгидек соҳамизнинг ягона нашри — «ХАВАР» газетасига иллик обуна бўлишди.

— Туман аҳолисини мамлакатимизда ва хорижда рўй берадиган янги аср бошланишидаги оламшумул воқеа ва ҳодисалардан ўз вақтида хабардор қилиб бориш мақсадида вақтли матбуот нашрларига обунани барвақт бошлаб, уни ушоқлик билан давом эттирмакдмиз, — дейди «Хоразм почтаси» АЖ Янгиариқ филиали бошлиғи Султонбой Солиқов. — Ҳозирги кунгача биз аҳоли ва ташкилотлардан 14 млн. 110 миң сумлик, 4792 нусхада газета ҳамда журналларга обунани қабул қилиб олдик. Обуна жараёни эса ҳали давом этмоқда.

Э. МАТҚУРБОНОВ

Республикамизда кенг куламда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳужалик юри-тишининг барча тармоқлари ва йўналишлари қатори банк хизматини ҳам тубдан яхшилашни тақозо этаётир. Таъкидлаш жоизки, «Алоқабанк» зиммасига тар-

сўмни ташкил қилмоқда. Кредит маблағлари, сармоялар ва банклараро депозитлар даромад келтирувчи асосий манба ҳисобланади. Чунончи, банкнинг кредит маблағлари қарийб уч баравар ошди, бунда қисқа ва ўрта муддатли кредитлар салмоқли ўрин эгаллайди.

амалга оширишдан барча манфаатдор. Зеро, корхоналар уз харажатлари буйича туловларни вақтида тулайдилар, банк эса бундан тегишли даромад олмақда. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш мақсадида таъсирчан воситалардан бири сифатида

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти томонидан республикамиз герби тасвирилган бир хил шаклдаги тўртта почта маркалари муо-



лага чиқарилди. Ушбу почта маркалари кўп нусхада чоп этилди. Энди республикамиз герби акс этган почта маркалари дунё бўйлаб кезади.

«АЛОҚАБАНК»ДА САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

моқ корхоналари ҳамда улар билан узаро ҳамкорлик қилаётган ташкилотларга молиявий хизмат курсатиш буйича масъулиятли вази-фалар юклатилган. Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Алоқабанк»и ташкил этилганидан буён беш йил мобайнида ушбу мураккаб вазифани муваффақиятли адо этиб келмоқда.

«Алоқабанк»да замонавий иш усулларини ўзлаштириш негизда самарадорликни ошириш, миқозлар-акциядорлар манфаатларини ҳисобга олиш, банк хизмати тармоқлари ва ҳажмларини изчил ривожлантириш тамойилларига амал қилинган ҳолда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бу ерда тегишли электрон тизимнинг жорий қилиниши туфайли Тошкент шаҳрида бир соат ва республика буйича 2-3 соат мобайнида туловларнинг ўтиши таъминланади.

Жорий йилда банк филиаллари ва почта корхоналари билан тезкор алоқа ўрнатиш учун электрон компьютер тармоғини яратилганга уз валюта маблағлари ҳисобидан 300 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда лойиҳага кредит ажратди.

Идорадий мансублигидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланувчилар «Алоқабанк»нинг мамлакат банк тизимидаги мавқеини мустақамлашда фаол қатнашишмоқда. Низом хамгармаси қарийб 5 бараварга оширилди ва эндиликда унинг миқдори 1,5 млрд. сумга яқинлашиб қолди. Банк даромадлари 1,6 баравар, соф фойда эса 1,7 бараварга ошди. Банк активлари деярли икки баробар ошгани ҳолда 4 млрд.

«Алоқабанк»нинг вилоятлардаги филиаллари ўрта ва кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни молиялаш буйича фаол иш олиб боришмоқда. Жорий йилнинг узида шаҳар ва қишлоқлардаги 150 нафарга яқин тадбиркор (шундан қарийб 80 фоизи хусусий тадбиркорлардир) «Алоқабанк» берган қарзлар туфайли ўз фаолиятларини ривожлантиришди. Бу борада Наманган ва Андижон вилоятларида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Масалан, Наманганда битта «МЧЖ» дукон хизмати ва автосервис соҳасида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта миқдорда кредит олди. Бошқа ўнлаб тадбиркорлар чорвачилик фермаларини ривожлантириш, чорва молларини харид қилиш, гушт маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр буюмлар ишлаб чиқариш учун қарз олдилар. Шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам куплаб ширкат ҳужаликлари ва фуқаролар «Алоқабанк» хизматидан фойдаланмоқдалар.

Банкнинг инвестиция фаолияти вазиятнинг узига хос хусусияти ва мулжалланган лойиҳаларини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишларга қаратилган. «Ўзбектелеком» АЖ, «Тошкент Телеком» АЖ, шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон ва Хоразм давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси каби корхоналар, «Наманган Телеком», «Андижон Телеком» акциядорлик жамиятлари ўзларининг кечиктириб бўлмайдиган ишлаб чиқариш-техникавий лойиҳаларини бажариш учун маблағ олган. Бошқа ташкилотлар банк инвестицияларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади. Бундай операцияларни

факторинг хизматига доир ишлар бажарилмоқда. Бунинг натижасида олинган самарадорлик 81,5 млн. сумдан ошди.

«Алоқабанк», Чейз-Манхеттен-банк (АҚШ), Дойче-банк (Германия), Россиянинг «Связь банк» сингари чет эл молия муассасалари билан узвий ҳамкорлик қилган ҳолда ташқи иқтисодий операциялар буйича ҳам муваффақиятли иш олиб бормоқда. Нақд пул айланмасининг мустақамланиши 22 та омонат кассасига фаолият курсатиш имконини берди. Омонат кассалари ўз навбатида қабул қилинаётган маблағ миқдорини бирмунча оширишга эришилди. Уз маблағини омонат кассага қўйганлар эса шу йилнинг узида 50 млн. сумдан зиёд даромад олдилар.

Жорий йилда белгиланган амалий чора-тадбирларга мувофиқ Самарқанд ва Термиз шаҳарларида банк филиалларини очиб, Тошкентда шаҳар телефон тармоғи ва почта алоқаси корхоналари билан узаро ҳамкорликда почта-банк муассасаларининг экспериментал тармоғини вужудга келтириш, янги миқозларга, хусусан қўшма корхоналарга, шунингдек, халқ ҳужалигининг бошқа тармоқларига хизмат курсатиш учун банк имкониятларидан тулиқроқ фойдаланиш қўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси «Алоқабанк»нинг мамлакат банк тизимидаги мавқеини янада мустақамлаш, миқозларнинг талаб ва эҳтиёжларини тула-тўқис қондириш, акциядорларнинг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

А. КУДИНОВ

ПОЧТА, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ

ВА МАТБУОТ ТАРҚАТИШ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳамда курсатилётган почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш хизмати сифатини яхшилаш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси «Ишонч телефони» хизматини жорий этди.

Сиз жойлардаги почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш корхоналари ишидан қониқтиш ҳосил қилолмасангиз «Ишонч телефони»га мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ишонч телефони» хизмати қуйидаги масалаларни куриб чиқади:

— почта, телекоммуникация тармоқлари (шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси тармоғи, шаҳарлараро, халқаро, пейджинг, уяли алоқа, телеграф, маълумотлар узатиш, эфир ва кабелли телерадиодастурлар тарқатиш) ва матбуот тарқатиш манзиллари (дуконлари) ишининг сифати;

— юридик ва жисмоний шахслар томонидан почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш соҳасида лицензиясиз фаолият курсатилган корхоналарни аниқлаш;

— телекоммуникация воситалари, иншоотлари, почта ва матбуот тарқатиш объектларининг ҳолати;

— миқозларга хизмат курсатиш (тарифлар тўғрисидаги маълумот, пенсия тулаш, алоқа хизмати учун ҳақ тулашдаги нотўғри ҳисоб-китоблар, хизмат курсатиш маданияти ва ҳ.к.);

— почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш соҳасида курсатилётган хизмат сифатини яхшилаш буйича таклифлар қабул қилиш.

«Ишонч телефони» хизмати маълумотларининг махфийлигини кафолатлаган ҳолда Сиздаги муаммоларни ечишда кумаклашиш ва ёрдам бериш имкониятига эга бўлишдан манфаатдор.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) 137-01-11 рақамли «Ишонч телефони» орқали бизга кўнғироқ қилинг.

(Манзилими: Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси 1-уй, 4-қават, 412 хона).

«Тошкент Телеком» АЖ раҳбарияти

Келес филиалига қўйидаги

мухтаassisликлар буйича вакант лавозимларга ишга таклиф этади:

1. Рақамли ДТС-3100 русумли АТС муҳандиси — 2 урин.

2. Линия кабел ҳужалиги муҳандиси — 1 урин.

3. Узатиш алоқа линиялари муҳандиси — 1 урин.

4. Кабелчи-пайвандчи — 2 урин.

Шартнома асосида ҳақ туланади:

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17 А ўй. Телефон 133-92-34.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Жиззах почтаси» акционерлик жамияти Галлаорол филиали жамоаси корхона бош ҳисобчиси **Мухаммад ТОЖИБОВ**ни 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга узок умр, сийхат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қолади.

COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

РЎЗА ИМОННИНГ МЕВАСИДИР

Парвардигор еру осмонларни яратиб, инсонни ер юзига халифа этиб тайинлаган, узининг мавжудлигини, ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳру мурувватда беқиёслигини билдириш учун одамзод зиммасига бир қанча вазифаларни юклади. Токи, бандаси уларни бажариш орқали Роббининг сифатларини ёд этиб турсин, деб. Инсониятга фарз булган ана шундай амаллардан бири — рӯзадир.

Шариатда рӯза хос замонда, хос шартлар билан хос сифатда тийилиш, ўзни ушлашни билдиради. Қуръони Каримда рӯзанинг фойдалари ҳақида ажойиб жумлаларни ўқиймиз: «Эй муминлар, тақволи кишилар булишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам саноқли кунларда рӯза тутиш фарз қилинди» (2, 184).

Инсон рӯза тутиш билан тақводорлардан бўлади. Рӯза Аллоҳга ибодат унинг амру наҳийларига итоат этмоқликдир. Унинг қанчалик зиёдлашиб бориши билан банд ҳам итоатда, ҳам Яратганга юзлашиб туришда зиёдалашади. Чунки рӯза шаҳват, кибр салтанатини парчалайди, инсонга ўз қадрини билдиради ва инсон билан Аллоҳ ўртасидаги парда-тусиқларни кетказди. Унинг иккинчи фойдаси шуки, мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлайди ва уларнинг сафларини бирлаштиради. Шунингдек,

кишини сабрли булишга, машаққатларни сабот билан енгишга, иродани чиниқтиришга ургатади.

Пайгамбаримиз узининг муборак Ҳадисларидан бирида рамазон ойи рӯзасининг фазилати тўғрисида шундай марҳамат қиладилар: «Рӯза (тутмоқлик) дузах ўтидан асровчи воситадир! Бинобарин, рӯза тутган киши ҳақорат сўзларни тилга олмасин, сўзлашганда бақирмасин, бировни масҳара қилмасин! Аллоҳга қасамд қилиб айтурманким, рӯзадорнинг оғзидан келган буй, аллоҳ наздида мушк-анбар буйидан ҳам хушбўйроқдир, чунким Аллоҳ таоло: «Рӯзадор мени деб еб-ичмас ва мени деб рӯза тутар, бинобарин унинг мукофотини узим бергайдурман ва ҳар бир яхшилиги эвазига


мендан ун баробар ажр олгусидир» — дейди.

Ислому динида фарз қилинган намоз, рӯза, ҳаж каби ибодатлар ҳам бошқа фазилатлар қатори ўз соҳибини ёлғончиликдан қайтаришга хизмат қилмоғи зарурлиги ўқитиб ўтилган. Пайгамбар алайҳиссалом ўз Ҳадисларидан бирида: «Рӯзадор ёлғон тўқини ва унга амал қилишни тарк этмас, унинг оч қолгани ю чанқанининг Аллоҳга кераги йўқ», деганлар. Демак, рӯза ҳақиқий рӯза буладиган бўлса, ўз эгасини ўзга ёмонликлар сингари ёлғонлардан ҳам қайтармоғи лозим. Агар киши рӯза тутиб, намоз ўқиса, хайр-эҳсон қилиб, ҳажга борса-ю, ёмонликлардан, жумладан, ёлғончиликдан фориғ бўлмаса, қилган ибодатлари ижобат бўлмайди.

Хуш, рӯза кишини лўқма ейиш ва ҳаром йўлга юришдан, ёлғон сўзлашдан, гийбат қилишдан, бировга озор беришдан сақлар экан, тақводор бандга қандай мукофот бор, деган савол туғилиши табиий. Бундай муъминнинг ажри беназирдир. Аллоҳ субҳонаху ва таоло Қуръондаги оятларда тақводор бандаларга бериладиган мукофотларни қайта-қайта эслатиб ўтган. Жумладан, «Қалам» сурасидаги 34-оятда: «албатта, тақводорлар учун Роббилари ҳузурда наъийим жаннат бордур», дейилади.

Демак, инсонни ҳаромдан тийиш ва гуноҳдан сақлашга, шунингдек, Аллоҳга яқинлаштиришга хизмат қиладиган Тақво Худонинг наздида зикр этилганидек, улуг сифатдир. Бандаларнинг бу сифатга эришуви эса баркамолликдир.

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ



Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

• АЖАБ ДУНЁ

Тухум арчадиган машина

Битта ёки бир неча пишган тухумни арчиш одамга малол келадиган иш эмас. Хўш, минглаб тухумни арчиш зарур бўлиб қолса-чи? Германияда бу муаммони тезда ҳал қилиш йўли топилди. Пишган тухум махсус машинанинг тешигига қўйилиб, тугма босилса, тухумнинг пўсти дарров ажраб чиқади.

Қоғоз гулнинг ҳам ҳуқи бўлади

Қоғоз гулни менсимай, унинг фазилатини камситиб келган баъзи шоирлар энди хижолат тортадиган бўлишди. Гонконгдаги бир фабрика хушбўйликда ҳақиқий атиргулдан қолшимайдиган сунъий гул ясаб чиқара бошлади. Бу гулнинг иси ярим йилгача сақланиб қолади. Ниши ҳақиқий гулникидан фарқ қилмайдиган тиканли сунъий гуллар чиқариш таррадуи қўрилмоқда.

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

Почта орқали юборилган хатда «нонни синдирганидан сунгинга озодликка эришасан», дейилган эди. Хат Прагада яшовчи нафақадаги ўқитувчига йўланганди. Ваҳимага тушган ўқитувчи мактубни дарҳол по-

ҲОРОБИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

Ақл фақат инсонгагина хос булган тугма қувват, руҳий куч билан боғлиқдир.

Инсон юксак камолотга эришув йулида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз ўзи интилайтган бахт-саодатга эришади.

Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга

бўлмоғи лозим.

Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ, булиши ва бахтиёр яшашмоғи лозим.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай яратилганки, у яшашмоғи, олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга қирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади.

БУ — ҚИЗИҚ!

Энг қадимий ва қисқа мадҳия японларникидир. Унинг тўрт мисраси IX асрдаёқ ёзилган. Энг узун мадҳия эса грекларники бўлиб, у 158 мисрадан иборат.

Энг узоқ давр пойтахтлик мақомини эгаллаб келаётган шаҳар Дамасқидир. У эрамиздан олдинги минг йилдан то бугунгача узлуksиз равишда Суриянинг пойтахти бўлиб келмоқда.

Энг кичик армия Сан-Марино давлатида бўлиб, атиги 11 кишидан иборат. Исландия ва Лихтенштейнда эса армия йўқ.

Қадимги қўна тангалар Лидия давлатига (Кичик Осиё) тааллуқли. У тахминан эрамиздан аввалги етти юзичи йилда олтин ва қумшдан ясалган.

Шведларнинг 10 доллар қийматга эга булган мис тангаси энг оғир тангадир. У 1650 йили чиқарилган бўлиб, оғирлиги 17,5 килограммдан иборат.

Энг улкан қандолат пишириғи бадавийлар (кучманчи араблар) туйида тайёрланган. Ушанда ҳақиқий туя билан тенг ҳажмда «туя пирог» пиширилган.

арра жойлаштирилгани аниқланади.

Тахминга қўра, мактабда ўз қаттиққўллиги билан ном чиқарган бу ўқитувчидан собиқ ўқувчилари шундай қалтис ҳазил орқали қасд олишмоқчи бўлишган. Полиция ҳозир хатларни ким юборганлигини аниқламоқда.

ШАХМАТ

ҲАҚИДА КИМ НИМА ДЕЙДИ?

Мен шахматда ҳаммасидан қўра кўпроқ курашни қадрлайман. Балки шунинг учун ҳам баъзан позициям қанчалик қийинлашгани сари шунчалик қизиқиб ўйнагандирман.

А. КОТОВ

Шахмат менинг муҳаббатим, ҳаётимнинг энг яхши дақиқалари учун ундан қарздорман.

Л. ПОЛУГАЕВСКИЙ

Кимки шахматга қарши экан, у ҳаётга қаршидир ва кимки шахмат фидойиларига қарши экан, у пировардида ўз-ўзига қаршидир.

С. ТАРТАКОВЕР

Мен шахматни севардим ва севаман ҳамда умримни унга бағишлаганимдан пушаймон эмасман. Лекин мабодо менга бошидан бошлашга тўғри келиб қолгудай бўлса, кўпгина хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилардим.

С. ФЛОР

Шахматчининг севимли санъатиға буткул бағишланган ҳаёти ҳақида ўқувчига у ўйнаган шахмат партиялари ҳаммасидан қўра кўпроқ ҳикоя қилиб бериши мумкин.

А. ЛИЛЕНТАЛЬ

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар маъсулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1139-
4839 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1
босма табок.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6